

Юсупова Муслима Алишер қизи: “Корхонада раҳбарлар имиджини шакллантириш усуллари”. (5A230201 – Менежмент (хизматлар соҳаси)).

Илмий рағбар: и.ф.д., проф. Назарова Ф.

Магистрлик диссертациясининг мақсади:

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналарда раҳбарлар имижини шакллантириш ва ходимларни самарали бошқаришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар фаолиятида раҳбарлар бошқаруви ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- замонавий менежмент ҳамда раҳбаршуносликни илмий ва назарий асосларини таҳлил қилиш;

- мақсадли режа асосида бошқарув тизимини ривожлантириш ва раҳбаршуносликни янада такомиллаштиришни ўрганиш;

- раҳбарлар бошқарув услубларини такомиллаштиришда жаҳон тажрибасини тадбиқ этиб, ижобий томонларини мамлакатимизда қўлланилишида таклифлар ишлаб чиқиш;

- корхоналарда замонавий менежментни ривожлантириш ва раҳбарлар бошқарув усулига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- корхоналарда кадрлар малакасини оширишга қаратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш.